



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

**Электр энергетикада тезкор-диспетчерлик бошқарув қоидаларини
тасдиқлаш ҳақида**


Ўзбекистон Республикасининг “Электр энергетикаси тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, шунингдек, ягона электр энергетикаси тизимини барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Электр энергетикада тезкор-диспетчерлик бошқарув қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,

2019 йил “19” 11,
1 -сон



А. Султанов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**



**МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

100047, город Ташкент, улица Сайилгоҳ, 5
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

2019 йил 19 декабрь 6-21/32-6/18939-сон

Сизнинг 2019 йил 19 ноябрдаги
02-11-4027-сон хатингизга

**Ўзбекистон Республикаси
Энергетика вазирлиги**

“Электр энергетикада тезкор-диспетчерлик бошқарув қондаларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқ Адлия вазирлиги томонидан кўриб чиқилиб, қуйидагилар маълум қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 2¹-бандига мувофиқ тақдим этилган ҳужжат техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга тегишли деб топилди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда норматив-ҳуқуқий кўрсатмалар мавжуд бўлиши тақиқланади.

Вазир ўринбосари

А. Ташкулов

Ўзбекистон Республикаси
Энергетика вазирининг
2019 йил 09 / 11 даги
1 - сонли буйруғига
ИЛОВА

Электр энергетикада тезкор-диспетчерлик бошқарув ҚОИДАЛАРИ

Ушбу Қоидалар, Ўзбекистон Республикасининг “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, ягона электр энергетикаси тизими барқарор ишлаб туришини таъминлаш, шунингдек ундаги технологик бузилишларни олдини олиш ва баргараф этиш мақсадида ягона электр энергетикаси тизимининг тизим оператори ва электр энергетикаси объектларининг тезкор-диспетчерлик хизматлари томонидан амалга ошириладиган электр энергетикада тезкор-диспетчерлик бошқарув тартибини белгилайди.

1-§. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

электр энергетикада тезкор-диспетчерлик бошқарув – электр энергетикада тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти томонидан бошқариш усули бўйича тақсимланган ҳолда бошқаруви марказлаштирилган объектлар рўйхатига киритилиб, электр энергетикаси объектлари ва электр энергияси истеъмолчиларининг энергия қабул қилувчи қурилмаларининг технологик ишлаш режимларини марказлашган бошқариш бўйича энергетика тизимининг ишлаш режимига таъсир этувчи электр узатиш линиялари, ускуналари ва қурилмаларига нисбатан амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи;

операцион ҳудуд - чегараси ичида электр энергетикаси объектлари ва электр энергияси истеъмолчиларининг энергия қабул қилувчи қурилмалари жойлашган, уларнинг ўзаро боғлиқ технологик ишлаш режимлари тегишли диспетчерлик маркази томонидан бошқариладиган ҳудуд;

ягона электр энергетикаси тизими - электр энергиясини ишлаб чиқарувчи корхоналар, магистраль электр тармоқлари, ҳудудий электр тармоқлари мажмуи ва уларнинг тезкор-диспетчерлик бошқаруви;

бошқаруви марказлаштирилган (диспетчерлаштирилган) объектлар - технологик ишлаш режими ва эксплуатацион ҳолати диспетчерлик марказининг операцион ҳудудида энергетика тизимининг электр энергетика режимига таъсир этадиган ёки таъсир этиши мумкин бўлган ва бошқаруви марказлаштирилган объектларни бошқариш усули бўйича тақсимланган рўйхатига мувофиқ уларга нисбатан ушбу диспетчерлик маркази диспетчерлик бошқарувни ёки диспетчерлик юритувни амалга оширадиган электр энергетика объектлари;

тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти - тизим оператори ва электр энергетикаси объектларининг тезкор-диспетчерлик хизматлари;

тизим оператори - ягона электр энергетикаси тизими, магистраль электр тармоқлари фаолияти технологик режимини тезкор-диспетчерлик бошқарувини,

шунингдек, унинг бошқа давлатлар электр энергетикаси тизимлари билан ҳамкорлигини таъминловчи ваколатли тузилма;

магистраль электр тармоқлари - электр энергиясини ишлаб чиқарувчи корхоналардан ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига, шунингдек, бошқа давлатларнинг электр энергетикаси тизимларига узатилишини таъминлаш учун фойдаланиладиган электр тармоғи хўжалиги объектлари мажмуи;

ҳудудий электр тармоқлари - тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудуди доирасидаги электр тармоқ хўжалиги объектлари мажмуи;

электр энергетикаси субъектлари – электр энергетикаси соҳасида фаолият олиб бораётган шахслар, шу жумладан электр энергияси ва қувватини ишлаб чиқариш, истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлаш, электр энергетикасида электр энергиясини узатиш ва тезкор-диспетчерлик бошқарув хизматларини кўрсатиш, электр энергиясини (қувватини) сотиш фаолиятини олиб бораётган шахслар;

авария режими - электр энергетикаси объектлари ишлаши технологик параметрларининг ягона электр энергетикаси тизимининг ишончли ишлаб туриши бузилишига ва истеъмолчиларга электр энергияси етказиб берилиши чекланишига олиб келиши мумкин бўлган, йўл қўйиб бўлмайдиган тарзда бузилиши;

истеъмолчининг энергия қабул қилувчи қурилмалари – истеъмолчининг фойдаланиши (истеъмол қилиши) мақсадида электр энергиясини энергиянинг бошқа турига айлантиришга мўлжалланган ва ўзаро электр алоқага эга бўлган қурилмалари.

2. Ушбу Қоидалар тезкор-диспетчерлик бошқарув субъектларига, электр энергетикаси субъектларига ва энергия қабул қилувчи қурилмалари мавжуд бўлган электр энергияси истеъмолчиларига тааллуқли.

3. Тезкор диспетчерлик бошқарув субъектларига қуйидагилар киради:

тизим оператори;

электр энергиясини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг тезкор-диспетчерлик хизматлари;

магистрал электр тармоқлари корхоналарининг тезкор-диспетчерлик хизматлари;

электр тармоқлари хўжалиги объектлари магистрал электр тармоқлари сифатида фойдаланилаётган юридик шахсларнинг тезкор-диспетчерлик хизматлари;

ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг тезкор-диспетчерлик хизматлари;

ягона электр энергетикаси тизимига уланган юридик шахсларнинг тезкор-диспетчерлик хизматлари.

4. Ягона электр энергетикаси тизими доирасида тезкор-диспетчерлик бошқарув битта тезкор-диспетчерлик субъекти томонидан амалга оширилади.

Тезкор-диспетчерлик бошқарув:

ягона электр энергетикаси тизими доирасида - тизим оператори;

электр энергетикаси объектлари доирасида - ушбу объектларнинг тезкор-диспетчерлик субъектлари томонидан амалга оширилади.

5. Ягона электр энергетикаси тизимида ва тегишли электр энергетикаси объектларида тезкор-диспетчерлик бошқарув, жамланганда ягона электр энергетикаси тизимининг электр энергетикаси режимини ташкил этадиган электр энергетикаси объектлари ва электр энергияси истеъмолчиларининг энергия қабул қилувчи

қурилмаларининг эксплуатацион ҳолати ва ўзаро боғлиқ технологик ишлаш режими устидан марказлашган ҳолда кучаю-кундуз ва узлуксиз бошқариш йўли билан амалга оширилади. Тезкор-диспетчерлик бошқарув доирасида тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти, унга электр энергетикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан юкланган функцияларни амалга оширади.

2-§. Тезкор-диспетчерлик бошқарувни ташкил этиш тартиби

6. Электр энергетикаси объектининг тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти, муваққат равишда, тизим операторининг иштирокисиз, тегишли объектда тезкор-диспетчерлик бошқарувни ушбу Қоидаларга мувофиқ ташкил этади ва амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ва электр энергетикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа норматив-техник ҳужжатларда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

7. Электр энергетикасида тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти ўзининг диспетчерлик жавобгарлиги ҳудудида тезкор-диспетчерлик бошқарувни амалга ошириш бўйича функцияларини, ҳар бирига тегишли операцион ҳудуд бириктирилган бир ёки бир нечта диспетчерлик марказлари орқали амалга оширади. Диспетчерлик марказлари, улар таркибий қисми бўлган тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти номидан фаолият юритадилар.

Битта диспетчерлик марказининг операцион ҳудуди бир нечта вилоятлар ҳудудларини қамраб олган бўлиши мумкин.

Агар электр энергетикасида тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти фақат битта диспетчерлик марказига эга бўлса, унга бириктирилган операцион ҳудуд тегишли электр энергетикасида тезкор-диспетчерлик бошқарув субъектининг диспетчерлик жавобгарлиги ҳудудига мос келиши керак.

8. Электр энергетикасида тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти:

ўзининг диспетчерлик жавобгарлиги ҳудудида диспетчерлик марказларининг тузилмасини, шу жумладан уларнинг даражасини ва биргаликда бўйсунлигини белгилайди;

диспетчерлик марказлари ўртасида тезкор-диспетчерлик бошқарув функцияларини тақсимлайди ва уларга юклатилган функцияларни бажариш бўйича ўзаро муносабатлари тартибини белгилайди.

Диспетчерлик марказлари тегишли қўйи ва қўшни диспетчерлик марказларига бажарилиши мажбурий бўлган диспетчерлик командалари ва фармойишларини беришга ҳақлидир.

9. Ягона электр энергетикаси тизими ёки электр энергетикасининг тегишли объекти электр энергетика режимини бошқариш жараёнида, ҳар бир диспетчерлик марказида, электр энергетикасида тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти номидан тезкор-диспетчерлик бошқарув амалга оширилаётганда, бажарилиши мажбурий бўлган диспетчерлик командалари ва рухсатномаларини бериш, масофадан бошқариш воситаларидан фойдаланган ҳолда бошқаруви марказлаштирилган объектларнинг технологик режими ва эксплуатацион ҳолатига тўғридан-тўғри таъсир этиш ваколатига

эга бўлган унинг ходимлари (диспетчерлик ходимлари, диспетчерлар) белгиланади. Диспетчерлар, диспетчерлик командалари ва рұхсатномаларини диспетчерлик маркази номидан берадилар.

Ҳар бир диспетчерлик марказида, электр энергетикада тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти номидан электр энергетикада тезкор-диспетчерлик бошқарув амалга оширилаётганда диспетчерлик фармойишларини бериш ваколатига эга бўлган ходимлар белгиланади.

10. Электр энергетикада тезкор-диспетчерлик бошқарув субъектининг ҳар бир диспетчерлик маркази, у диспетчерлик бошқарув ёки диспетчерлик юритув амалга ошираётган электр узатиш линиялари ва электр тармоқлари усқуналари, электр станциялар усқуналари, релели химоя ва автоматика қурилмалари, алоқа каналлари, диспетчерлик ва технологик бошқарув воситалари, тезкор-ахборот комплекслари, технологик ишлаш режими ва эксплуатацион ҳолати диспетчерлик марказининг операцион ҳудудида энергетика тизимининг электр энергетикаси режимига таъсир этадиган ёки таъсир этиши мумкин бўлган, юқорида келтирилган электр энергетикаси объектларида (шу жумладан, электр энергияси истеъмолчиларига тегишли электр энергетикаси объектларида) жойлашган бошқа усқуналарни аниқлайди ва уларни бошқариш (юрйтиш) усули бўйича тақсимлаган ҳолда, диспетчерлик марказининг бошқаруви марказлаштирилган объектлари рўйхатига киритади.

Диспетчерлик маркази, шунингдек, аварияни олдини олиш ёки режим автоматикасининг бошқарув таъсирлари ҳажми ўзгаришининг катталигини, усқуналарнинг электр токи частотасини бошқарувида иштирок этишга тайёрлигини, мавжуд қувватнинг ўзгариши ва генерация килувчи усқунанинг актив қувват бўйича растлаш оралиғи катталигини, максимал қуввати 5 МВт ёки ундан ортиқ бўлган электр энергияси истеъмолчиларининг энергия қабул қилувчи усқуналари истеъмол юқламаси ўзгаришини ва ушбу диспетчерлик марказининг операцион ҳудудидаги электр энергетикаси қурилмаларининг технологик режимининг бошқа параметрларини бошқаруви марказлаштирилган объектларга киритади.

Шамол ва қуёш электр станцияларининг энергетик усқуналарига нисбатан қўлланилганда, бошқаруви марказлаштирилган объектларга ягона электр энергетикаси тизими таркибида ўзгармас токнинг битта ўзгартирувчиси орқали ёки кучланиши 10 кВ ва ундан юқори бўлган битта тақсимлаш қурилмасига ишлаётган шамол энергетикаси қурилмалари ва қуёш фотоэлектрик модуллари гуруҳлари, шунингдек ягона электр энергетикаси тизими таркибида алоҳида фаолият кўрсатаётган, ўрнатилган генерация килувчи қуввати 1 МВт ва ундан ортиқ бўлган шамол энергетикаси қурилмалари ва қуёш фотоэлектрик модуллари киради.

Электр энергетикаси объектларининг электр узатиш линиялари, асбоб-усқуналари ва қурилмаларини, диспетчерлик марказининг операцион ҳудудидаги усқуналарнинг технологик ишлаш режимининг алоҳида параметрларини бошқаруви марказлашган объектлар рўйхатига киритилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, улар бошқариш усули бўйича тақсимланган ҳолда тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти томонидан, ёзма равишда, тегишли электр энергетикаси субъектлари ва электр энергияси истеъмолчиларига етказилади.

Тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти, диспетчерлик марказлари томонидан бошқариш (юритиш) усули бўйича тақсимланган бошқаруви марказлашган объектлар рўйхати тузилишини ташкил этади.

Диспетчерлик марказининг операцион ҳудудидаги ягона электр энергетикаси тизимининг электр энергетикаси режимига таъсир қилувчи ва бошқа диспетчерлик марказининг операцион ҳудудида жойлашган бошқаруви марказлашган объект, кўрсатилган диспетчерлик марказларини ҳар бирининг бошқаруви марказлашган объектлари рўйхатига киритилиши лозим.

11. Тезкор-диспетчерлик бошқарув, диспетчерлик командаларини бериш, фармойишлар ва рухсатномалар бериш, масофадан бошқариш воситаларидан фойдаланган ҳолда аварияни олдини олиш ва режим автоматикасидан фойдаланиб бошқаруви марказлашган объектларнинг технологик ишлаш режимига ёки эксплуатацион ҳолатига тўғридан-тўғри таъсир этиш, шунингдек, электр энергетикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қарорлар, ҳаракатлар ва тадбирларни амалга ошириш орқали амалга оширилади.

Диспетчерлик командаси, диспетчер ходим томонидан, қуйи ёки қўшни диспетчерлик марказининг диспетчер ходимларига ёки электр энергетикаси субъектининг, электр энергияси истеъмолчисининг тезкор ходимига алоқа каналлари орқали берилиб, электр энергетикаси объектлари ёки электр энергияси истеъмолчиларининг энергия қабул қилувчи ускуналарининг технологик ишлаш режимларини ва эксплуатацион ҳолатини бошқариш билан боғлиқ бўлган аниқ ҳаракатни (ҳаракатни) амалга ошириш (амалга оширишни тийиб туриш) бўйича кўрсатмани ўз ичига олади.

Диспетчерлик рухсатнома, диспетчер ходим томонидан, бошқа диспетчерлик марказининг диспетчер ходимига ёки электр энергетикаси субъектининг, электр энергияси истеъмолчисининг тезкор ходимига алоқа каналлари орқали берилиб, бошқаруви марказлаштирилган объекларнинг технологик ишлаш режимини ва эксплуатацион ҳолатини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган аниқ ҳаракатни (ҳаракатларни) амалга ошириш (амалга оширишни тийиб туриш) бўйича рухсатномани ўз ичига олади.

Диспетчерлик фармойиши, диспетчерлик маркази томонидан, қуйи ёки қўшни диспетчерлик марказига, электр энергетикаси субъектига ёки электр энергияси истеъмолчисига ваколатли шахс томонидан имзоланган ҳолда ва электр энергетикаси ёки электр энергияси истеъмолчилари объектларини технологик ишлаш режимларини бошқариш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш тартиби ва муддатларини белгиловчи ҳужжат (шу жумладан электрон шаклдаги ҳужжат) шаклида тақдим этилади.

Бошқаруви марказлаштирилган объекларнинг технологик ишлаш режимини ва эксплуатацион ҳолатини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган диспетчерлик командаларини, диспетчерлик рухсатномалари ва фармойишларини бериш тартиби тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти томонидан белгиланади.

Тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти, шунингдек, диспетчерлик командалари ва рухсатномаларини ўтиш схемаларини белгилайди, бошқаруви марказлаштирилган объектларнинг технологик ишлаш режимини ва (ёки) эксплуатацион ҳолатини ўзгартиришга нисбатан диспетчерлик командалари (рухсатномалар) берилганда ва тезкор мулоқотлар олиб борилганда диспетчерлик ходимлари билан тезкор ходимларнинг

бевосита ва билвосита ўзаро муносабатлари бўйича функцияларининг таксимланишини ўрнатади.

12. Ҳар бир диспетчерлик командаси (рухсатнома) диспетчерлик маркази томонидан қуйидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда рўйхатга олинади:

команданинг (рухсатноманинг) берилиши (олиниши) вақти;

команданинг ижроси учун талаб этилган вақт (агар, команда билан назарда тутилган ҳаракат маълум бир вақтда бажарилиши керак бўлса);

команда (рухсатнома) берган шахснинг фамилияси;

команда (рухсатнома) юборилган шахснинг фамилияси;

команданинг (рухсатноманинг) мазмуни;

тезкор-диспетчерлик бошқарув субъектининг қарорига мувофиқ бошқа маълумотлар.

Диспетчерлик командасини (рухсатномасини) рўйхатга олиш, электрон ёки қоғоз шаклида юритиладиган ва (ёки) ушбу маълумотларнинг ҳақийқийлигини, уларни расшифровка қилишни (стенография усули билан ёзиб олишни) таъминлай оладиган ва рўйхатга олингандан кейин ўзгартирилишидан химояланган техник воситалар (шу жумладан овоз ёзиш воситалари) ёрдамида тезкор журналда амалга оширилади.

Диспетчерлик командаларни ва рухсатномаларни рўйхатга олиш тартиби тезкор диспетчерлик бошқарув субъекти томонидан белгиланади.

13. Диспетчерлик командалари, рухсатномалари ва фармойишлари электр энергетикаси субъектлари ва электр энергияси истеъмолчилари учун мажбурийдир.

Агар диспетчерлик командаси бажарилмаса, диспетчерлик маркази электр энергетикаси субъектининг (электр энергияси истеъмолчисининг) навбатчи ходимини вақтинчалик ўз вазифаларини бажаришдан четлатишни ташаббуслаш ҳуқуқига эга.

14. Диспетчерлик командалари, агар ижроси инсон ҳаётига ёки асбоб-ускуналарга зарар этказиш хавфини туғдирса, улар бажарилмайди.

15. Тезкор диспетчерлик бошқарув субъекти ҳар бир диспетчерлик марказини қуйидагилар:

тегишли операцион ҳудудда энергетика тизимининг электр энергетикаси режимини бошқариш ва тезкор-диспетчерлик бошқарув бўйича бошқа функцияларни бажариш учун зарур бўлган хоналар, ускуналар, қурилмалар ва дастурий-аппарат (дастурий-техник) мажмуалари, шунингдек зарур ҳаётни таъминлаш тизимлари;

ягона электр энергетикаси тизимининг электр энергетикаси режимини бошқариш учун диспетчерлик марказларига зарур бўлган диспетчерлик буйруқлари ва маълумотларини узатиш учун бошқа диспетчерлик марказлари (шу жумладан хорижий давлатларнинг электр энергетикаси тизимларида тезкор диспетчерлик бошқарув функцияларини бажарувчи ташкилотларнинг диспетчерлик марказлари) билан иккита мустақил рақамли алоқа каналлари;

диспетчерлик маркази томонидан тегишли тезкор-диспетчерлик бошқарув функцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган техник ҳужжатлар, шу жумладан йўриқнома ва тезкор ҳужжатлар билан таъминлаши шарт.

Тезкор диспетчерлик бошқарув субъекти шунингдек қуйидагиларга мажбур:

ҳар бир диспетчерлик марказини тайёрланган ходимлар билан таъминлашга;

бошқариш марказининг асосий хоналари ва жиҳозларидан фойдаланиш имконияти бўлмайд қолган ҳолатлар юзага келган тақдирда, бошқариш марказининг функцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган ускуналар, қурилмалар ва дастурий-аппарат мажмуалари билан жиҳозланган захира хоналар (захира иш ўринлари) мавжудлигини таъминлашга ва захира хоналарда (захира иш жойларда) тезкор диспетчерлик бошқарув амалга ошириш мобайнида функцияларни бажариш ҳажми ва тартибини ўрнатишга ёки кўрсатилган ҳолатларда функцияларни бошқа диспетчерлик марказига бериш ҳажмини ва тартибини ўрнатишга.

16. Тезкор диспетчерлик бошқарув амалга оширилишини таъминлаш учун, электр узатиш линиялари, асбоб-ускуналари ва қурилмаларининг бошқаруви марказлаштирилган объектларга киритилган электр энергетикаси субъектлари ва электр энергияси истеъмолчилари, электр энергетикаси объектларининг (энергия қабул қилиш қурилмаларининг) диспетчерлик марказлари билан технологик ахборот алмашиш тизимларини ўрнатилган тартибда ташкил этишлари ва таъминлашлари шарт.

17. Тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти ягона электр энергетикаси тизимининг электр энергетикаси режимини режалаштиришни ва бошқаришни ўрнатилган тартибда амалга оширади.

18. Ягона электр энергетикаси тизимининг электр энергетикаси режимини режалаштириш ва бошқариш учун, электр энергетикаси субъектлари ва электр энергияси истеъмолчилари тезкор-диспетчерлик бошқарув субъектининг диспетчерлик марказларига ўзларига тегишли электр энергетикаси объектлари ва энергия қабул қилувчи қурилмалар бўйича зарур бирламчи маълумотларни, электр энергетикасида тезкор-диспетчерлик бошқарувни амалга ошириш учун зарур маълумотларни тақдим этиш талабларига мувофиқ, шунингдек тезкор-диспетчерлик бошқарув субъектининг талаби бўйича бошқа маълумотларни тақдим этадилар.

19. Тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти томонидан ишлаб чиқарилган ягона электр энергетикаси тизими ва электр энергетикаси объектларининг иш режими кўрсаткичлари жадваллари (бундан буён матнда диспетчерлик жадвали деб юритилади) тегишли электр энергетика субъектлари учун мажбурийдир.

Электр энергетикаси субъекти, ягона энергетикаси тизимининг электр энергетика режими режалаштирилган катталикларга нисбатан ўзгарган шароитларда диспетчерлик командасини олганда, электр энергетикаси объектининг ишлаш режимини ўзгартиришга мажбурдир.

Электр энергетикаси объектининг электр узатиш линияси ёки ускунаси, электр энергияси истеъмолчисининг энергия қабул қилувчи қурилмаси, уларнинг технологик ишлаш режими қийматлари йўл қўйиб бўлмайдиган катталиклар ва давомийликлар қийматларига етиши оқибатида шикастланса ёки шикастланиши хавфи бўлса, шунингдек, бахтсиз ҳодиса ва одамлар ҳаётига таҳдид соладиган бошқа ҳолатлар юзага келса, диспетчерлик командасисиз ёки тегишли диспетчерлик марказининг рухсатисиз бошқаруви марказлаштирилган объектнинг технологик ишлаш режимини ёки эксплуатацион ҳолатини ўзгартиришга, кейинчалик амалга оширилган ўзгартиришлар ҳақида зудлик билан, уларни келтириб чиқарган сабаблар кўрсатилган ҳолда, хабардор қилишга йўл қўйилади.

Ўрнатилган диспетчерлик жадвалидан барча мажбурий (хақиқий ва тахминий) ўзгаришлар ёки диспетчерлик командасини бажариб бўлмаслиги тўғрисида, ушбу электр энергетикаси объектларининг тезкор ходимлари, ягона электр энергетикаси тизимининг электр энергетикаси режимини кейинги бошқариш усули бўйича қарор қабул қилиниши учун тегишли диспетчерлик марказининг диспетчерлик ходимларини дарҳол хабардор қилишлари шарт.

20. Тезкор-диспетчерлик бошқарув субекти, электр энергетикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ, ягона электр энергетикаси тизими ёки тегишли электр энергетикаси объектининг электр энергетика режимини режалаштириш ва бошқариш учун зарур бўлган чора-тадбирларни амалга оширишни, шунингдек, унга электр энергетикаси соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари билан юклатилган бошқа функцияларни бажаришни таъминлайди, шу жумладан:

а) зарур йўриқ-техник ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

б) қуйидагиларни белгилайди:

бошқаруви марказлаштирилган объектларнинг технологик иш режимларини ва эксплуатацион ҳолатини ўзгаришига йўл қўйилишини, шу жумладан уларни таъмирлашга чиқариш ва таъмирдан кейин ишга туширишда;

бошқаруви марказлаштирилган объектларнинг технологик ишлаш режимини ва эксплуатацион ҳолатини ўзгартириш учун диспетчерлик буюртманомаларини расмийлаштириш ва уларни таъмирлашни йиллик ва ойлик йиғма жадвалларини ишлаб чиқиш тартибини;

ягона электр энергетикаси тизими ёки тегишли электр энергетика объектининг электр энергия ва қуввати балансларининг прогноз ва амалдаги кўрсаткичларини;

назоратдаги қўндаланг кесимлар рўйхатини ва таркибини, шунингдек актив қувватнинг максимал рухсат этилган ва фавқулодда рухсат этилган оқимлари миқдорини;

кучланиш бўйича назорат қилиш пунктлари рўйхатини ва улардаги энг кам рухсат этилган ва авариявий рухсат этилган кучланиш катталикларини;

актив қувватнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи захираларининг минимал зарур катталикларини, актив қувватнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи захираларини жойлаштириш жойларини;

электр энергетикаси объектининг электр энергетика режимининг кўрсаткичларини тартибга солиш учун масъул бўлган диспетчерлик марказларини;

электр токи частотасини ҳамда актив қувват оқимини автоматик ростлаш тизимларини, аварияни олдини олиш автоматикасининг марказлашган тизимларини тузилишини ва функцияларини;

электр энергетикаси объектларида оқим назорати, юкламалар ва кучланиш даражасини назорат (йилига 2 марта), навбатдан ташқари ва бошқа ўлчовлари ўтказилиши заруратини ва ушбу ўлчовлар ўтказилишига талабларни;

релели ҳимоя ва автоматика қурилмалари ва комплексларининг созлаш параметрлари (ўрнатмалари) ва ишлаш алгоритмларини;

в) диспетчерлик марказлари томонидан, ягона электр энергетикаси тизимини ва унинг операцион ҳудудига кирадиган электр энергетикаси объектларини нормал электр

уланиш схемалари (ягона электр энергетикаси тизимининг ва тегишли электр энергетикаси объектининг нормал режими учун схемалар) тасдиқланишини таъминлайди.

21. Янги (реконструкция қилинган) электр энергиясини ишлаб чиқариш объектлари ва электр тармоғи хўжалиги объектлари ишга туширилганда тезкор-диспетчерлик бошқарув субъектининг диспетчерлик марказлари тегишли электр тармоғи хўжалиги объектларида куйидагиларни амалга оширадилар:

назоратидаги кўндаланг кесимларда актив қувватнинг максимал рухсат этилган ва авариявий рухсат этилган оқимларини, назорат пунктларида минимал рухсат этилган ва авариявий рухсат этилган кучланиш қийматларини ҳисобларини;

релели ҳимоя ва автоматика қурилмалари ва комплексларининг созлаш параметрларини ва ишлаш алгоритмларини тегишли электр тармоғи хўжалиги объектининг режалаштирилган электр энергетика режимларига мувофиқлиги текширувини ва кўрсатилган созлашларнинг тегишли параметрларини аниқлашни;

кўрсатилган қурилмаларнинг созлаш параметрлари ўзгарганда, бошқаруви марказлашган объектларнинг технологик ишлаш режимларини бошқариш ва релели ҳимоя ва автоматика қурилмаларидан фойдаланиш бўйича ҳужжатларнинг аниқлаштирилишини;

электр тармоғи хўжалиги объекти таркибида янги (реконструкция қилинган) электр энергетикаси объектлари, уларнинг ускуналари ва қурилмалари ишга туширилиши, уларни синов тариқасида ишга туширилиши, комплекс синаб кўриш ва синовларни амалга ошириш, шу жумладан, умумтизим техник параметрлари ва тавсифларини аниқлаш мақсадида генерация қилувчи ускуналарнинг комплекс синовлари мумкинлигини ва шартларини аниқлашни.

22. Диспетчерлик марказининг диспетчерлик бошқарувида бўлган бошқаруви марказлаштирилган объектларнинг технологик ишлаш режимини ёки эксплуатацион ҳолатини ўзгартириш, фақат тегишли диспетчерлик марказининг диспетчерлик командаси бўйича, электр энергетикаси субъектларининг (электр энергияси истеъмолчиларининг) тезкор ходимлари томонидан амалга оширилади, ёки тўғридан-тўғри диспетчерлик марказидан, диспетчерлик ходимлари томонидан, масофадан бошқариш воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Диспетчерлик марказининг диспетчерлик юритувида бўлган, бошқаруви марказлаштирилган объектларнинг технологик ишлаш режимини ёки эксплуатацион ҳолатини ўзгартириш, тегишли диспетчерлик марказининг рухсати билан амалга оширилади.

Электр энергетикаси объектининг битта тақсимлаш қурилмаси доирасида, ушбу тақсимлаш қурилмасига тегишли ускуналар ва қурилмалар бошқаруви марказлашган объектларига киритилган диспетчерлик марказларининг сони ва таркибидан қатъий назар, тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти томонидан, ушбу ускуналар ва қурилмаларнинг технологик ишлаш режимини ёки эксплуатацион ҳолатини ўзгаришлар билан боғлиқ диспетчерлик буйруғини бериш ҳукукига эга бўлган битта диспетчерлик маркази белгиланиши шарт.

23. Агар бошқаруви марказлаштирилган объектнинг технологик ишлаш режимини ёки эксплуатацион ҳолатини ўзгартириш зарурати бўлса, унинг эгаси томонидан тезкор

диспетчерлик бошқарув субъектининг тегишли диспетчерлик марказига диспетчерлик талабномаси расмийлаштирилиши ва берилиши керак.

Диспетчерлик талабномалари режали, режадан ташқари, кечиктириб бўлмайдиган ва аварияга оидга бўлинади.

Диспетчерлик талабномалари ваколатланган диспетчерлик марказига тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти томонидан эксплуатация қилинадиган ва техник қўллаб-қувватланадиган ихтисослаштирилган дастурий-аппарат комплекси орқали берилади.

Агар тегишли электр энергетикаси субъектида (электр энергияси истеъмолчисида) ундан фойдаланиш учун техник имконият бўлмаса, хужжат ариза берувчидан келаётганлигини ишончли равишда аниқлаш имконига эга бўлган, электр энергетикасида тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти томонидан ўрнатилган диспетчерлик талабномаларини расмийлаштириш, топшириш, кўриб чиқиш ва келишиш қоидаларида назарда тутилган диспетчерлик талабномаси шаклига қўйиладиган талабларга риоя қилган ҳолда факсимил ёки электрон алоқа орқали берилади.

Диспетчерлик талабномаларини расмийлаштириш, топшириш, кўриб чиқиш ва келишиш тартиби, шунингдек уларга асосан бошқаруви марказлаштирилган объектларни технологик ишлаш режимини ва эксплуатацион ҳолатини ўзгартиришга нисбатан рухсатномалар ва диспетчерлик командаларини бериш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш тартиби тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти томонидан белгиланади.

Кўриб чиқилган ва келишилган диспетчерлик талабномаси мавжудлигидан қатъий назар, диспетчер ходимнинг диспетчерлик бошқарувида (юритувида) бўлган электр узатиш линиялари, ускуналар ва қурилмаларнинг технологик ишлаш режимини ёки эксплуатацион ҳолатини ўзгартириш, унинг диспетчерлик командаси (рухсати) бўйича амалга оширилиши керак.

24. Бошқаруви марказлаштирилган объектни таъмирлашга чиқариш мақсадида уни технологик ишлаш режимини ёки эксплуатацион ҳолатини ўзгартириш зарурати бўлса, мазкур Қоидалар талабларидан ташқари, электр энергетикаси объектларини таъмирлашга ва эксплуатациядан чиқариш талабларига риоя қилиниши керак.

25. Тезкор диспетчерлик бошқарув субъектининг электр тармоғи хўжалиги объектлари электр қисмини нормал режими бузилишлари ривожланишини олдини олиш ва уларни бартараф этиш (тезкор диспетчерлик бошқарув субъектининг электр тармоғи хўжалиги объектларининг авариявий электр энергетика режимида ишлашини олдини олиш ва бартараф этиш, тезкор диспетчерлик бошқарув субъекти электр тармоғи хўжалиги объектларининг авариявий режимдан кейинги ҳаракатлари) тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти, электр энергетикасининг бошқа субъектлари ва электр энергияси истеъмолчилари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Электр энергетикаси объектининг электр қисмини нормал режими бузилишини олдини олиш ва бартараф этиш жараёнида, тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти, электр энергияси истеъмолчиларининг энергия қабул қилувчи қурилмалари томонидан электр энергияси (қувват) истеъмол қилиш режимини авариявий чеклаш жадвалларида назарда тутилган қийматларидан юқори бўлган ҳажмларда ва (ёки) бундай жадвалларга киритилмаган электр энергияси истеъмолчиларига (энергия қабул қилувчи қурилмаларга) нисбатан ҳам электр энергияси (қувват) истеъмоли режимини Электр энергиясидан

фойдаланиш қоидаларига мувофиқ тўлиқ ёки қисман чеклаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

26. Тезкор-диспетчерлик бошқарув субъектининг диспетчерлик маркази ўзининг операцион ҳудуди доирасида мазкур Қоидалар иловасига мувофиқ бир ёки бир неча ҳолат юзага келган тақдирда, электр таъминоти бузилишларининг юқори ҳавф-ҳатари режимини эълон қилади.

Диспетчерлик маркази фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бўйича ҳудудий органлар, гидрометеорология маркази ташкилотлари, электр энергетикаси субъектлари ва электр энергияси истеъмолчиларидан мазкур режим пайдо бўлишини эълон қилиш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотларни олинганидан кейин электр таъминоти бузилишларининг юқори ҳавф-ҳатари режими бартараф этилганлигини эълон қилади.

Электр таъминоти бузилишларининг юқори ҳавф-ҳатари режими пайдо бўлишини ва бартараф этилганлигини эълон қилиш тартиби тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти томонидан белгиланади.

27. Электр таъминоти бузилишларининг юқори ҳавф-ҳатари режими эълон қилинганда, тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти ушбу Қоидаларда назарда тутилган ягона электр энергетикаси тизимининг электр қисмининг нормал режими бузилишини олдини олиш ва бартараф этиш бўйича ҳаракатларни амалга оширади. Электр таъминоти бузилишларининг юқори ҳавф-ҳатари режими эълон қилинганда тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) диспетчерлик пультага электр энергетикаси объектларининг раҳбарларини чақириш ҳуқуқига;

б) мустақил равишда:

электр таъминоти бузилишларининг юқори ҳавф-ҳатари режими эълон қилинган ҳудудда электр энергетикаси объектлари ва электр энергияси истеъмолчилари ускуналари ва қурилмаларида (бундай таъмирлаш турлари авария-тиклаш ишларини амалга ошириш, генерация қиладиган қурилмаларда авария ҳолатларини ҳамда уларнинг ҳавфсиз ишлаши чегараларини бузилишига олиб келиши мумкин бўлган бошқа салбий оқибатларни олдини олиш зарурати билан боғлиқ таъмирлашлар бундан мустасно) барча турдаги таъмирлашларни таъқиқлаш тўғрисида;

электр энергетикаси объектлари ва электр энергияси истеъмолчиларининг таъмирлашдаги ускуналари ва қурилмаларини, шунингдек, электр энергетикаси объектларининг алоҳида ускуналари ва қурилмаларини келишилган авариявий тайёргарлик муддатлари тугагунга қадар, зудлик билан ишга тушириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига.

28. Электр таъминоти бузилишларининг юқори ҳавф-ҳатари режимини маҳаллийлаштириш ва олдини олишга қаратилган, шу жумладан ушбу Қоидаларнинг 27-бандида назарда тутилган қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, электр энергетикаси объектлари электр қисми нормал режими бузилиши ривожланишини олдини олиш ва бартараф этиш, электр энергетикаси объектини мажбурий ишлаш режимига ўтказиш мақсадида тезкор-диспетчерлик бошқарув субъекти электр энергетикаси

субъектлари ва электр энергияси истеъмолчиларидан қуйидаги зарур маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эга:

электр узатиш линиялари, электр станцияларнинг ускуналари ва тармоқларининг жорий ортикча юкланиш қобилиятини тавсифловчи қийматлари ҳақида;

электр энергияси истеъмолчиларининг энергетика қурилмаларини актив ва (ёки) реактив қувватини ўзгартириш мақсадида, унинг электр қурилмалари ишлаш режимининг мумкин бўлган ўзгариши ҳақида;

электр энергиясини узатиш (истеъмолчиларни электр билан таъминлаш) бўйича хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар томонидан электр таъминотининг захира манбаларини қўллаш, шунингдек, электр энергияси истеъмолчилари томонидан ушбу манбаларни қўллаш тўғрисида.

Тезкор-диспетчерлик бошқарув субъектининг сўровномасига мувофиқ тақдим этилиши зарур бўлган маълумотлар, сўров олинган пайтдан эътиборан икки соат ичида ёки сўровда кўзда тутилган бошқа муддатларда тақдим этилади.

29. Ягона электр энергетикаси тизими фаолиятининг ишончлилигини таъминлаш мақсадида тизим оператори, шу жумладан қуйидагиларни белгилайди:

тизим ишончлилигини таъминлаш бўйича хизматларга эҳтиёжни ва уларнинг ҳажмини;

электр энергетикаси объектларини ва истеъмолчиларнинг энергия қабул қилувчи қурилмаларини технологик улаш имкониятини, ҳамда қурилаётган (қайта қурилаётган) электр энергетикаси объектларини тезкор-диспетчерлик бошқарув субъектининг электр энергетикаси объекти таркибида ишончли ишлашини таъминлайдиган техник талабларни; релели ҳимоя ва автоматика қурилмалари ва комплексларини яратиш ва (ёки) модернизация қилиш талабларини.

30. Тезкор-диспетчерлик бошқарув субъектининг диспетчерлик марказлари ўз операцион ҳудудларига кирувчи электр энергетикаси объектларининг электр қурилмаларида алмашлаб улашларни белгиланган тартибда ташкил этадилар ва амалга оширадилар.

31. Тизим оператори ва тезкор-диспетчерлик бошқарув субъектлари ягона электр энергетикаси тизимининг электр энергетика режимини бошқаришда қуйидагиларни таъминлаши шарт:

электр энергетикаси объектларининг технологик ишлаш режимини электр энергетикаси ускуналарининг рухсат этилган технологик ишлаш режимларига ва ишлаш шартларига мувофиқлигини;

электр энергияси сифатининг белгиланган кўрсаткичларига риоя қилинганда электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансини;

генерация қилувчи қувватларнинг технологик ишлаш режимларини тизим ишончлилиги талабларига мувофиқлигини;

атом электр станцияларининг технологик ишлаш режимлари қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини.

32. Диспетчерлар ва навбатчи ходимлар, белгиланган диспетчерлик топшириғидан ҳар қандай мажбурий четланишлар тўғрисида юқори турувчи диспетчерлик марказига, диспетчерлик режасини ўзгартириш ва кейинчалик ягона электр энергетикаси тизимининг

электр энергетика режимини бошқариш усули бўйича қарор қабул қилиш учун дархол хабар беришлари шарт.

Диспетчерлик топшириқларига ўзгартиришлар диспетчерлик маркази томонидан фақат юқори диспетчерлик маркази билан олдиндан келишилганидан кейин киритилиши мумкин.

Операцион ҳудуд, шу жумладан бутун ягона электр энергетикаси тизими учун тузилган диспетчерлик топшириғини ўзгартириш бўйича командаларни рўйхатга олиш, тегишли диспетчерлик маркази томонидан, бундай ўзгартиришларнинг сабабини кўрсатган ҳолда амалга оширилади.

Ягона электр энергетикаси тизимининг электр энергетика режимини тартибга солишда электр станциянинг максимал рухсат этилган ва минимал рухсат этилган юкласининг қийматини ўзгартириш, тегишли диспетчерлик маркази томонидан диспетчерлик фармойиши берилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

33. Электр энергетикаси субъектлари ишчи қувват бўйича топшириқларнинг бажарилишини, белгиланган юклама ва қувват захираси ушлаб турилишини таъминлашга мажбурдирлар.

34. Электр таъминотининг бузилиши хавфи туғилганда ёки авариявий электр энергетика режими пайдо бўлган тақдирда тизим оператори қуйидагилар юзасидан қарор қабул қилишга ҳақлидир:

электр энергетикаси объектлари ва электр энергияси истеъмолчилари ускуналари ва қурилмаларида барча турдаги таъмирлашларни таъкиклаш тўғрисида, бундай таъмирлаш турлари авария-тиклаш ишларини амалга ошириш, генерация қиладиган қурилмаларда авария ҳолатларини ҳамда уларнинг хавфсиз ишлаши чегараларини бузилишига олиб келиши мумкин бўлган бошқа салбий оқибатларни олдини олиш зарурати билан боғлиқ таъмирлашлар бундан мустасно;

электр энергетикаси объектлари ва электр энергияси истеъмолчиларининг режали таъмирлашдаги ускуналари ва қурилмаларини, шунингдек, электр энергетикаси объектларининг алоҳида ускуналари ва қурилмаларини зудлик билан ишга тушириш тўғрисида;

электр узатиш линиялари ва ускуналарнинг жорий ортиқча юкланиш қобилиятини тавсифловчи қийматлари тўғрисидаги маълумотлар асосида, бундай маълумотлар бўлмаган тақдирда эса - ускунага нисбатан норматив ва техник талаблар билан белгиланган чегаралар доирасида ушбу электр узатиш линиялари ва ускуналарнинг ортиқча юкланиш қобилиятидан фойдаланиш тўғрисида;

электр таъминотининг хавфсизлигини таъминлайдиган ва электр энергияси истеъмоли режимини авариявий чеклаш жадваллари билан назарда тутилган ҳажмлардан ортиқ ҳажмларда электр энергияси истеъмолчиларининг электр таъминотини чеклаш ёки вақтинчалик ўчиришни қўллаш тўғрисида.

3-§. Яқуний қоидалар

35. Мазкур Қоидалар талабларини бузган шахслар ўрнатилган тартибда жавобгарлик олиб борадилар.

36. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти, “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти, “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти ва “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти билан келишилган.

Савдо-саноат палатаси раиси

2019 йил “ 18 ” 11



А. Икрамов

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти

Бошқаруви раиси

2019 йил “ 30 ” 10



Д. Исакулов

“Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти

Бошқаруви раиси

2019 йил “ 4 ” 11



Р. Мубаракшин

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти

Бошқаруви раиси

2019 йил “ 8 ” 11




У. Мустафоев

“Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти

Бошқаруви раиси

2019 йил “ 11 ” 11



А. Сангинов

Электр энергетикада тезкор
диспетчерлик бошқарув
Қоидаларига
ИЛОВА

**Электр таъминотининг бузилиши хавфи юқори бўлган режимни эълон қилиш учун
асос бўлган ҳолатлар рўйхати**

1. Тегишли диспетчерлик марказининг операцион ҳудудида иссиқлик электр станцияларининг ёки таъминланишини тўхташи ёки тўхташ хавфи мавжудлиги ёки гидроэлектростанцияларнинг мавжуд умумий қувватининг 10 фоиздан ортиғи гидроресурслар билан таъминланиши, шунингдек, ўрнатилган қуввати 200 мегаватт ва ундан ортиқ бўлган иссиқлик электр станциясини ёки таъминланишини тўхташи (тўхташ хавф-хатари).

2. Диспетчерлик марказининг назорат пунктларида кучланишни авариявий рухсат этилган қийматларгача пасайиши.

3. Ягона электр энергияси тизимини ёки унинг қисмларини барқарорлиги бузилиши хавфи.

4. Электр узатиш линиялари ва электр тармоқлари ускуналарини кўплаб ўчишига олиб келиши мумкин бўлган табиий ходисаларнинг кириб келиши (оммавий момақалдирак ходисалари, кучли жала ёмғири, бўронли шамол, симларга, яшиндан химоя қилувчи тросларга, электр узатувчи линияларнинг таянчларига ва электр энергетика объектлари ускуналарига интенсив ёпишиб қолиши билан кузатиладиган қалин қор ёғиши, хаво узатиш линияларининг симларида, яшиндан химоя қилувчи тросларида муз қопламаларини пайдо бўлиши, метеорологиш шароитни кескин ўзгариши, шу жумладан бинолар ва иншоотларни лойихалашда, шаҳар ва қишлоқ турар-жойларини режалаштириш ва қуришда ушбу минтақа учун шаҳарсозлик қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлланиладиган иқлим параметрлари қийматларининг чегараларидан чиқиши).

5. Актив қувват етишмаслиги билан боғлиқ ҳолда тезкор-диспетчерлик бошқарув субъектининг электр энергетикаси объектини тўлиқ ёки қисман ўчиб қолишини ёки юқори эҳтимоллик билан ўчиб қолиш ҳолатини келтириб чиқариши мумкин бўлган (шу жумладан, ноқулай табиий ходисалар натижасида юзага келган) электр узатиш линиялари ва ускуналарни кўплаб шикастланиши.

6. Табиий ва (ёки) техноген характердаги фавқулодда вазиятлар пайдо бўлиши ёки пайдо бўлиш хавф-хатари.